



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№9 (962)

2026 йил 17 февраль, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг "Яшил иқтисодиёт" ташаббуслари



Зарқайнар – тарих ва замонавийлик уйғун кўча

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, тарихий-маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва улар атрофида замонавий инфратузилмани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор тумани Хастимом маҳалласида жойлашган Зарқайнар кўчасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бу борадаги кенг қўламли саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Мазкур ҳудуд асрлар давомида шаклланган тарихий қиёфаси, миллий меъморчилик анъаналари ва ҳунармандчилик муҳити билан ажралиб туради. Республика бюджетидан ажратилган 150 миллиард сум маблағ ҳисобига 576 та хонадон миллий услубда таъмирланиб, маҳалла тарихий муҳитга уйғун қиёфа касб этди.

Тадбиркорлар томонидан киритилган инвестициялар натижасида кўчада 7 та меҳмонхона, 8 та ресторан, 5 та ҳунармандлик маркази, 1 та савдо маркази ҳамда 125 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилди. Натижада 1500 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Иқтисодий аҳамиятга эга ушбу лойиҳа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти кенгайтиришга, маҳаллий бюджет тушумлари орттиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, миллий маҳсулотлар ва анъанавий ҳунармандчилик буюмларининг намоёнлиги ҳамда савдоси миллий кадрларнинг тарғиб этишида муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ҳудудда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари аҳолининг турмуш сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Йўллар, замонавий ёритиш тизимлари, пиёдалар йўлаклари ва кўкаламзорлаштириш ишлари сайёҳлар ҳамда маҳаллий аҳоли учун қулай ва жозибадор муҳит яратди.



▲ Пойтахтимизнинг Олмазор тумани ҳудудидаги Хастимом маҳалласида жойлашган Зарқайнар кўчаси. Носиржон ХАЙДАРОВ (сурат), Ў.А.



▲ Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги "Қўрғон" туризм маҳалласида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганда.

Гиждувон янги қиёфага кирмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги "Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман(шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз бўйлаб 16 та шаҳар ва туманни комплекс ривожлантириш белгиланиб, уларда ижтимоий-иқтисодий, муҳандислик-коммуникация, транспорт, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Мазкур ҳудудлар қаторида тадбиркорлар ва ҳунармандлар юрти сифатида ном қозongan, бой тарихий ва маданий меросга эга Бухоро вилоятининг Гиждувон тумани ҳам бор. Қарор ижросини таъминлаш доирасида туманда 30 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳалар шакллантирилиб, айти пайтда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Хусусан, Гиждувон туманида Абдуҳолиқ Гиждувоний зиёратгоҳи билан уйғун ҳолда "Гиждувон қўрғони"ни қайта тиклаш орқали қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоронинг ажралмас қисми сифатида очик осмон остидати музей-мажмуа барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Аниқроғи, "Қўрғон" ва "Чорсу" маҳалла фуқаролар йиғинлари негизида туризм маҳалласини ташкил этиш бўйича ишлар кейинги йилларда изчиллик билан амалга оширилиб, миллий анъаналар, тарихий меъморчилик услублари ва замонавий инфратузилма уйғунлигини таъминловчи махсус лойиҳа ишлаб чиқилди.

Тумanning туристик салоҳиятини ошириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда маҳаллий аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида "Қўрғон" туризм маҳалласида кенг қўламли бунёдкорлик, реконструкция ва реставрация ишлари олиб борилаётганда. Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган ишлар сифати ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида вилоят туризм бошқармаси томонидан туман ҳокимлиги ҳамда тегишли идора ҳамда

ташкilotлар билан ҳамкорликда доимий мониторинг ва ўрганиш ишлари ташкил этилган.

Бугунги кунга келиб, маҳаллада газ таъминоти, электр энергияси, ичимлик суви ва каналлация каби асосий муҳандислик-коммуникация тармоқлари тўлиқ янгилашиб, ички кўчаларга тош ётқизиш ишлари муваффақиятли якунланди. Қадимий дарвозалар қайта тикланиб, уларда якуний пардозлаш ишлари олиб борилаётганда. Шунингдек, қадимий деворлар, ҳунармандчилик маркази ва савдо-туризм инфратузилмаси объектлари реконструкция қилиниб, қурилиш ишлари ўз ниҳоясига етказилмоқда.

Айти пайтда халқаро экспертлар ҳамда Ўзбекистондаги Марказий Осиё халқаро тадқиқотлар институти бошчилигида XIX асрга оид "Бозори қаймоқ", "Болойи қасобон", "Бобораҳимбой" масжидлари, шунингдек, XVI асрга мансуб "Эски тош ҳаммом" каби ноёб тарихий обидалардаги таъмирлаш, реставрация ва тиклаш ишлари тўлиқ якунланиб, улар маҳаллий аҳоли ҳамда хорижий сайёҳлар ташрифи учун тайёр холатга келтирилди. Янги лойиҳалар Гиждувон туманининг туристик жозибадорлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда ҳудуд иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, деб ёзади Ў.А. муҳбири Зариф Комилов.

Энг муҳими, мамлакатимизда кечаётган янгилашниш ва тараққиёт жараёнлари туман аҳолисининг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, тинч ва осойишта ҳаёт, фаровон турмуш учун шукроналик туйғуларини янада кучайтирмоқда.

Изчил тараққиёт сари одимлар

Отабек ҲАСАНОВ,
"Навоий кон-металлургия
компанити" АЖ
Зарафшон қурилиш
бошқармаси бошлиғи.



Бугун Ўзбекистон заминда янгилашниш ва бунёдкорлик руҳи ҳукм сурмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростилаётган замонавий иншоотлар, кенгайиб бораётган шаҳар ва қишлоқлар, барпо этилаётган йирик саноат мажмуалари халқимиз меҳнатсеварлигининг ифодасига айланди. Айтиқса, сўнгги саккиз йил давомида қурилиш соҳасида эришилган салмоқли натижалар мамлакатимиз тараққиёт йўлидан изчил ва катъият билан бораётганини яққол намоён этмоқда.

Бу жараёнларда ўз касбига садоқатли, билим ва тажрибасини ишига бахш этган қурувчиларнинг ўрни беқиёс. Улар барпо этаётган иншоот, ҳар бир ишлаб чиқариш объекти замирида машаққатли меҳнат, фидойилик ва юксак масъулият мужассам. Қурувчиларнинг меҳнати билан шаҳарлар қиёфаси янгилашиб, қишлоқлар обод бўлмоқда, аҳоли фаровонлиги учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратилмоқда.

2025 йил ҳам ана шу янгилашниш, масъулият ва изчил тараққиёт руҳи билан тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади. Яратилган қулай инвестиция муҳити ҳамда замонавий инфратузилма шароитлари натижасида кейинги йилларда комбинат тизимида қатор йирик лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Хусусан, ушбу лойиҳалар доирасида замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўртта янги завод ҳамда бир қатор ишлаб чиқариш тармоқлари ишга туширилди. Ишлаб чиқариш ускуналарини монтаж қилиш, технологик жиҳозларни синовдан ўтказиш ва биноларни барпо этиш ишлари ўзаро мувофиқлашган ҳолда олиб борилаётгани лойиҳаларни қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш имконини бермоқда.

▼ Зарафшон қурилиш бошқармаси ходимлари иш жараёнида.



uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

qurilish.today



Изчил тараққиёт сари одимлар

▼ Жанубий кон бошқармаси "Зармитан" кони.



1 Сўнгги йилларда Зарафшон қурилиш бошқармасининг моддий-техника базаси ҳам изчил равишда мустаҳкамланди. Кейинги беш йил ичида 200 дан ортиқ замонавий техника ва механизмларнинг харид қилиниши қурилиш ишлари суръатини сезиларли даражада ошириб, меҳнат унумдорлигини янги босқичга олиб чиқди. Комбинат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган янги гидрометаллургия заводлари, конлар, чикиндилар сақлаш омборхоналари ва инфратузилма объектларининг қурилиш-монтаж ишларида бошқарманинг хиссаси алоҳида эътирофга лойиқ. Кейинги саккиз йил мобайнида умумий қиймати 3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 27 та йирик инвестицион лойиҳанинг ҳаётга таъбиқ этилгани бунинг ёрқин далилидир.

конларида руда қазиб олишнинг учинчи босқичи доирасидаги ишлар белгиланган режалар асосида юқори суръатларда амалга оширилмоқда. Жанубий кон бошқармаси тасарруфиди Зармитан конида "Скипли" вертикал милли қурилиши, Марказий ва Шимолий кон бошқармаларидаги мавжуд ҳамда янги чикиндилар сақлаш омборхоналарини кенгайтириш лойиҳалари ҳам ушбу эзгу ишлар силсиласидаги ўрин олган.

Айни пайтда 5-, 6- ва 7-гидрометаллургия заводларида олиб борилаётган кенг қўламли қурилиш-монтаж ишлари ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, технология жараёнларни замонавий талаблар асосида ташкил этишга хизмат қилмоқда. Амалга оширилаётган ишлар аниқ рақамларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, 2023 йилда 78,2 миллион долларлик, 2024 йилда эса 92,8 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 2025 йил якуни бўйича қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 125,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

2020–2024 йиллар давомида Зарафшон қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан умумий қиймати 408 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 24 та йирик лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. 2025 йилнинг ўн ойи давомида 113,2 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 123 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич бошқарма фаолиятида барқарор ўсиш, юқсак ишлаб чиқариш салоҳияти ва мустақкам жамоавий салоҳият мавжудлигини яққол тасдиқлайди. Келгусида ҳам давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, инвестицион лойиҳаларни сифат ва самарадорлик асосида амалга ошириш, саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш йўлида бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуг ва тарихий мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, йирик саноат корхоналари ва стратегик объектлар фақат иқтисодий кўрсаткичлар, рақамлар ёки ҳисоботлар билан ўлчанмайди. Улар мамлакат тақдири, унинг мустақиллиги, келажак авлодлар олдидаги масъулияти ва миллий салоҳиятининг моддий ифодасидир. Шу маънода, Навоий кон-металлургия комбинати нафақат йирик ишлаб чиқариш мажмуаси, балки Ўзбекистон саноат кудратининг таянчи, иқтисодий барқарорликнинг мустақкам устун сифатида намоён бўлмоқда. Бугун жаҳон иқтисодиёти кескин рақобат, технологик кураш ва ресурслар учун беллашув шароитида яшамоқда. Бундай мурракб даврда стратегик хомашё манбаларига эга бўлиш, уларни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қиймат яратиш ҳар қандай давлат учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Навоий кон-металлургия комбинати айнан шу нуқтада Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатларини таъминловчи ишончли таянчга айланган. Унинг барқарор фаолияти саноатни диверсификация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда минглаб инсонлар ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Жорий йилда ҳам мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, комбинат тизимида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар изчил давом этмоқда. Бу йўлда жамоанинг туپланган тажрибаси, юқсак салоҳияти ва меҳнатсеварлиги барқарор тараққиётнинг энг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, тараққиёт ўз-ўзидан бўлмайди, балки изчил меҳнат, қатъият ва масъулият орқали қўлга киритилади.



▼ "Кўкон технопарки" махсус саноат зонасида қурилаётган замонавий юқори кучлиниши подстанцияда. Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Замонавий подстанция барпо этилмоқда

Фарғона вилояти Кўкон шаҳрида барпо этилаётган "Кўкон технопарки" махсус саноат зонаси инвестиция муҳитини янада яхшилаш, замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳудудда умумий қиймати 166,5 миллион АҚШ долларига тенг 11 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, натижада 1200 та доимий иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Лойиҳаларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида технопарк ҳудудида замонавий юқори кучлиниши подстанция қурилмоқда. Инфратузилма объекти "Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ то-

монидан тасдиқланган лойиҳа асосида жадал суръатларда барпо этилмоқда.

Подстанцияни техник жиҳатдан жиҳозлаш учун қуввати 40 МВА бўлган иккита замонавий трансформатор Хитой Халқ Республикасидан келтирилди. Айни пайтда уларни ўрнатиш ва монтаж ишлари маҳаллий мутахассислар томонидан халқаро стандартлар асосида амалга оширилмоқда.

Кейинги босқичда подстанциядан технопарк ҳудудига электр энергиясини етказиб бериш учун темир-бетон таянчлар ўрнатиш, янги электр тармоқларини тортиш ва ташқи инфратузилмани мустаҳкамлаш ишлари бажарилади. Бу эса резидент корхоналарни ишончли ва узлуксиз электр таъминоти билан таъминлаш имконини беради.

Қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари ва амалдаги техник метёрлар асосида олиб борилмақда. Сифат ва хавфсизлик талабларига алоҳида эътибор қаратилмақда.

Мазкур энергетик инфратузилма объекти "Кўкон технопарки"нинг самарали фаолиятини таъминлаб, саноат тараққиётини қувват билан таъминлаш, инвестиция жозибадорлигини ошириш ва аҳоли бандлигини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

Янги иншоотлар аҳолига қулайлик, ҳудудга кўрк бағишламоқда

Яқунланган 2025 йилда Фарғона вилоятининг Риштон туманида ташаббусли бюджет, инвестиция дастури ҳамда тармоқ корхоналари ҳисобидан, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ва бошқа қурилиш йўналишларида 287,2 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди.

Зайлобидин ЙИГТАЛИЕВ, журналист.

Жумладан, туман ҳудудида жойлашган, замон талабларига жавоб берадиган "Янги Ўзбекистон" ва "Нурафшон" массивларида "Осиё люкс таъмир" МЧЖ, "Мадина" МЧЖ, "Ок ер чинорлари" МЧЖ, "Хумо Хоус" МЧЖлар қурувчилари томонидан бунёд этилган кўп қаватли уйларда яратилган шароитлардан аҳоли мамнун бўлиб яшамоқда.

Бундан ташқари, ўтган йил давомида туман аҳолисини электр билан мунтазам таъминлаш мақсадида 137,8 миллиард ижтимоий соҳа, хусусан, мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти биноларини қуриш, таъмирлаш йўналишида 23,5 миллиард сўм, умумий узунлиги 70,6 километр автомобиль йўлларини равиолаштириш учун 38,8 миллиард сўм сарфланди. Шунингдек, 5 километр масофада аҳоли ҳамда сугориладиган қуриладиган сув таъминотини яхшилаш учун ҳам белгиланган режадан ортиқ ишлар амалга оширилди.

▼ Фарғона вилояти Риштон туманида барпо этилаётган турар жойлар.



Қурилиш жараёни – журналистлар нигоҳида

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган пресстурда ОАВ вакиллари Нукус шаҳридаги бир қатор йирик қурилиш объектлари ва инфратузилма лойиҳалари билан танишдилар.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хусусан, иштироқчилар томонидан дастлаб Нукус шаҳар "Науипир" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилаётган 285 квартирали 3 та кўп қаватли уйнинг қурилиш ишлари кўздан кечирилди.

– Жамиятимиз томонидан янги қурилиш, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилаётган ҳар битта объект бўйича алоҳида техник назоратчи ходим бириктирилган бўлиб, бунёдкорлик ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида сифатли бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилган, – деди "Gauz pagnat" МЧЖ иш бошқарувчиси Батырбай Сейдабуллаев. – Объектда 90 нафар қурувчимиз меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 10 та техника воситаси ишчиларнинг оғирини енгил қилди. Жамоамизда объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш масала-

си алоҳида эътиборда. Ушбу турар жойлар битгач, 150 та оила уй-жойга эга бўлади. Майдони 47 ва 53 квадрат метрли ихчам квартиралар асосан икки хонали бўлиб, улар марказлашган иситиш тизими орқали иситилади.

Иштироқчиларнинг кейинги манзили – "Кок озек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган марказлашган иситиш тизими бўлди. Бу ерда иситиш тизимининг техник ҳолати, иссиқлик таъминоти даражаси, иссиқ сув билан таъминлаш масалалари ҳамда аҳолига узлуксиз ва сифатли иссиқлик етказиб бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди.

– 2025 йил ноябрь ойида ишга тушган бу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги "2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан амалга оширилган, – деди "Коммунал иссиқлик таъминоти" МЧЖ муҳандиси Аймурза Эшмуратов. – Лойиҳа натижасида Нукус шаҳри "Кок озек" МФЙ ҳудудидаги 25 та кўп квартирали уй-жой ва 2 ижтимоий соҳа объекти учун замонавий иситиш қозонхонаси ўрнатилиб, марказлашган иситиш тизими билан таъминланди. Умумий қуввати 12 мВт бўлган қозонхона 3 та қозон ва ер остидан ўтган 3,5 километр узунликдаги иссиқлик тармоғидан иборат. Улар табиий газ ёрдамида иситилади, газ бўлмаган ҳолатларда суюқ ёқилги билан ишлайдиган қозон ажратилган. Бундай марказлашган иситиш тизимининг тўрттаси Нукус шаҳрида, бештаси Амурдарё, Эллиқалъа, Қанлиқўл, Гегайли

▼ Нукус шаҳри "Кок озек" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган марказлашган иситиш тизими объекти.



ва Қораўзақ туманларида фаолият юритмоқда. Умумий қуввати 48, 3 Гкал/соат бўлган 24 та қозон ҳамда узунлиги 19,1 километрли иссиқлик тармоқлари мавжуд. Тизим ёрдамида 69 та кўп қаватли уй (1 минг 298 та хонадон) ва 29 та улғуржи истеъмолчи иссиқлик энергияси билан таъминланмоқда.

Журналистлар объект билан танишиш жараёнида куз-киш мавсумида аҳолини қулай ва барқарор иссиқлик таъминоти билан таъминлаш бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Пресс-тур иштироқчилари шунингдек, Нукус шаҳри "Туран" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Турон стадионида ҳам бўлидилар. Айни пайтда бу ерда "Nasaf mega stroy" масъулияти чекланган жамияти томонидан реконструкция ишлари қизғин давом этмоқда. Лойиҳа натижасида Турон стадиони 12 минг томошабинга мўлжалланган, халқаро стандартларга мос, замонавий инфратузилмага эга спорт мажмуасига айлантирилди.

Бундан ташқари, тадбир иштироқчилари Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон филиалида ҳам бўлиб, филиал биносининг янги қурилиш лойиҳаси билан танишдилар. Бугунги кунда "Тупроққалъа" махсус қурилиш" МЧЖ томонидан бунёдкорлик ишлари амалга оширилган.

Пресс-тур давомида иштироқчилар Нукус шаҳридаги яна бир қатор объектларда бўлиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қурувчиларга яратилган шароитлар билан танишиб, керакли маълумотларга эга бўлишди.

▼ Қайта тикланувчи энергия манбалари.



Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг “Яшил иқтисодиёт” ташаббуслари

Бугунги кунда глобал миқёсда иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши ва табиий ресурсларнинг камайиб бориши давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар олдида муҳим ва долзарб вазибаларни қўймоқда. Саноатлаштиришнинг жадаллашуви, урбанизация жараёнларининг кучайиши, энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортishi экологик муаммоларни янада кескинлаштираётган. Натijaда, инсоният олдида иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш масаласи устувор вазифага айланмоқда.

Моҳинур БАХРАМОВА,
Тошкент давлат юридик университети
доценти, юридик фанлари доктори (DSc).

Шу нуқтаи назардан, “яшил иқтисодиёт” концепцияси барқарор ривожланишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида шаклланди. Ушбу модел иқтисодий ўсишни атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда таъминлаш, энергия ва ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик тоза технологияларни кенг жорий этишга асосланади. “Яшил иқтисодиёт” нафақат экологик барқарорликни таъминлайди, балки янги иш ўринлари яратиш, инновацияларни ривожлантириш ва аҳолининг турмуш сифатини оширишга ҳам хизмат қилади.

Мазкур жараёнда халқаро молиявий институтларнинг роли беқубеъдир. Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) барқарор ва экологик йўналтирилган ривожланишни қўллаб-қувватловчи етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади. Банк томонидан молиялаштирилган “яшил” лойиҳалар энергия самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, транспорт ва инфратузилмани модернизация қилишга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ЕТТБ энергия тежамкор технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари, экологик тоза ишлаб чиқариш ва барқарор инфратузилма лойиҳаларини фаол молиялаштиришда.

“Яшил иқтисодиёт” – бу иқтисодий ўсишни таъминлаш билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга асосланган ривожланиш модели.

▼ Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги қуёш панели ўрнатилган хонадон.



дир. Ушбу концепция экологик барқарорлик, ижтимоий адолат ва иқтисодий самарадорликни ўйгунлаштиришга қаратилган бўлиб, замонавий тараққиётнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. “Яшил иқтисодиёт” модели иқтисодий фаолият натижасида табиатга етказиладиган салбий таъсирни камайтириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашни мақсад қилади. Масалан, анъанавий ёқилги асосидаги энергетика тизимлари ўрнига қуёш ва шамол электр станцияларининг қурилиши атмосферага зарарли газлар чиқишини сезиларли даражада камайтиради.

Ушбу моделнинг асосий тамойиллари:

- қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш. Қуёш, шамол, гидро ва биоэнергия каби манбалар табиий жиҳатдан қайта тикланади ва атроф-муҳитга кам зарар етказиши. Масалан, Ўзбекистонда қурилаётган қуёш ва шамол электр станциялари мамлакатнинг энергетик мустақиллигини ошириш билан бирга, қарбон чиқиндиларини камайтиришга хизмат қилмоқда;
- чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш. “Яшил иқтисодиёт” чиқиндиларни имкон қадар камайтириш ва уларни қайта ишлашни рағбатлантиради. Масалан, пластик, қоғоз ва металл чиқиндиларини қайта ишлаш орқали янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш табиий ресурслар сарфини камайтиради ҳамда экологик муҳитни яхшилайди;
- экологик тоза технологияларни жорий этиш. Замонавий ишлаб чиқариш жараёнида кам энергия сарфлайдиган, чиқиндиси кам бўлган технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, энергия тежамкор ускуналар, “ақлли” бинолар, электр автомобиллар ва рақамли бошқарув тизимлари экологик хавфсизликни оширади;
- қарбон чиқиндиларини қисқартириш. Атмосферага чиқариладиган қарбонат ангидрид ва бошқа зарарли газлар иқлим ўзгаришининг асосий сабабларидан биридир. Шу боис, “яшил иқтисодиёт” доирасида саноат корхоналарида филтрлаш тизимларини ўрнатиш, жамоат транспортини ривожлантириш ва электр транспорт воситаларини кенг жорий этиш орқали қарбон чиқиндиларини камайтириш чоралари қўрилади.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, “яшил иқтисодиёт” нафақат экологик муаммоларни ҳал этади, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали ҳисобланади. Масалан, қайта тикланувчи энергетика соҳасида яратилаётган янги иш ўринлари бандлик даражасини оширади, энергия тежамкор технологиялар эса корхоналар харажатларини камайтиради. Шу сабабли, “яшил иқтисодиёт” бугунги кунда барқарор ривожланишнинг муҳим асоси бўлиб, давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

GET дастури доирасидаги лойиҳалар

ЕТТБ томонидан амалга оширилаётган “яшил иқтисодиёт” ташаббуслари асосан Green Economy Transition (GET) дастури доирасида олиб борилади. Ушбу дастур 2015 йилдан бошлаб фаол жорий этилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (СДГ), Париж иқлим келишуви (2015) ҳамда Европа Иттифоқининг “Яшил битим” стратегияси тамойилларига мос равишда ишлаб чиқилган.

GET дастурининг асосий мақсади – паст қарбонли иқтисодиётга ўтишни жадаллаштириш, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш орқали давлатларнинг узоқ муддатли ривожланишини қўллаб-қувватлашдан иборат. Дастур доирасида ЕТТБ нафақат молиявий ресурслар ажратади, балки техник ёрдам, маслаҳат хизматлари ва институционал ислохотларни ҳам амалга оширади.

Дастурнинг асосий йўналишлари

Қайта тикланувчи энергия лойиҳалари – ЕТТБ қуёш, шамол, гидро ва биоэнергетика соҳаларидаги лойиҳаларни фаол молиялаштиради. Ушбу йўналиш Париж келишувининг глобал ҳароратни 1,5-2°C даражада ушлаб туриш бўйича мажбуриятларига мос келади. Масалан, Ўзбекистонда Навоий ва Самарқанд вилоятларида қуриладиган қуёш электр станциялари, Қорақалпоғистондаги шамол энергетикаси лойиҳалари ЕТТБ иштирокида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар натижасида минглаб мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилиб, атмосферага чиқариладиган зарарли газлар миқдори камайтирилмоқда. Шунингдек, Грузия, Қозоғистон ва Миср каби мамлакатларда ҳам ЕТТБ томонидан йирик қайта тикланувчи энергетика лойиҳалари молиялаштирилган.

Энергия самарадорлигини ошириш – энергия самарадорлиги ЕТТБ GET дастурининг устувор йўналишларидан биридир. Ушбу фаолият БМТнинг “Барқарор энергия ҳамма учун” ташаббуси ва СДГ-7 мақсадларига мос келади. Банк саноат корхоналари, турар жой бинолари, савдо марказлари ва давлат муассасаларида энергия тежамкор технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлайди. Масалан, бино ва иншоотларни иссиқлик изоляцияси билан таъминлаш, замонавий иситиш ва совитиш тизимларини ўрнатиш, LED ёритиш ускуналаридан фойдаланиш кенг жорий этилмоқда. Ўзбекистонда қўллаб-қувватланадиган ишлаб чиқариш корхоналари ва турар жой мажмуалари ИТБ кредитлари асосида энергия тежамкор технологияларга ўтган.

Барқарор транспорт тизимлари – транспорт соҳаси қарбон чиқиндиларининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли банк ушбу йўналишда Париж келишуви ва Европа транспорт стратегияларига мувофиқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Хусусан, банк экологик тоза жамоат транспорти, электр автобуслар, метро ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришга инвестициялар йўналтиради. Масалан, Тошкент шаҳрида замонавий электробуслар хариди, метро линияларини кенгайтириш ва темир йўл вокзалларини модернизация қилиш лойиҳаларида иштирок этмоқда. Шунингдек, Шарқий Европа мамлакатларида трамвай ва троллейбус тизимларини янгилаш лойиҳалари ҳам GET дастури доирасида амалга оширилган.

Сув ва чиқиндиларни бошқариш – сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва чиқиндиларни самарали бошқариш БМТнинг СДГ-6 ва СДГ-12 мақсадларига мос келади. ЕТТБ ушбу йўналишда коммунал хизматлар тизимини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратади.

Банк сув таъминоти тармоқларини янгилаш, сув йўқотишларини камайтириш, замонавий тозалаш иншоотларини қуриш ҳамда канализация тизимларини реконструкция қилиш лойиҳаларини молиялаштиради. Масалан, Самарқанд, Бухоро ва Нукус шаҳарларида амалга оширилган сув таъминоти лойиҳалари аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини яхшилаган.

Хулоса ўрнида

Умуман олганда, ЕТТБнинг “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги ташаббуслари Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мамлакатнинг экологик хавфсиз, инновацион ва рақобатбардор иқтисодиётга ўтишида мустаҳкам асос яратмоқда. Ушбу ҳамкорлик узоқ муддатда нафақат иқтисодий барқарорликни таъминлайди, балки келажак авлодлар учун соғлом атроф-муҳитни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Шу сабабли, ИТБ билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, “яшил” инвестициялар ҳажмини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш орқали Ўзбекистоннинг “яшил келажак” сари интилиши мустаҳкамланади ва халқаро миқёсда барқарор ривожланишнинг фаол иштирокчисига айланишига замин яратилади.

Жорий йил бошидан буён қанча электр энергияси ишлаб чиқарилди?

Ўзбекистондаги қуёш ва шамол электр станциялари томонидан 2026 йил бошидан бери ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 1 миллиард кВт соатни ташкил қилди. Бугунги кунда юртимизда умумий қуввати 5 582 мегаватт бўлган 15 та қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда 5 та шамол электр станцияси “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда.

Маълумки, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш жараёни бошланганда 2022 йили Навоий ва Самарқанд вилоятларидаги қуёш фотоэлектр станциялари томонидан 434 миллион кВт соат, 2023 йилда эса 576,9 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилган эди. 2024 йили 9 та қуёш ва 1 та шамол электр станцияси томонидан ишлаб чиқарилган жами электр энергияси ҳажми 4 миллиард 860 миллион кВт соатни ташкил қилган бўлса, 2025 йилда барча қуёш ва шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 10,5 мил-

лиард кВт соатга етди. 2026 йил бошидан ҳозирги кунга қадар қуёш фотоэлектр станциялари томонидан 396 миллион кВт соат, шамол электр станциялари томонидан эса 604 миллион кВт соат, жами 1 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Маълумот учун, 2026 йилнинг бошидан бугунги кунгача қуёш ва шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажми 2025 йилнинг мос давридагига нисбатан 400 миллион кВт соат ёки 40 фоизга кўп электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бунинг натижасида 267 миллион куб метр табиий газ тежаланишига эришилди. Қолаверса, атмосферага 575 минг тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқишининг олди олинди.

Қолаверса, жорий йил бошидан ҳозирга қадар Ўзбекистондаги барча гидроэлектр станциялар ва қуёш ҳамда шамол электр станциялари томонидан 1 миллиард 570 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Натijaда 400 миллион куб метр табиий газ тежаланишига эришилди, атмосферага 863 минг тоннадан ортиқ зарарли моддалар чиқишининг олди олинди. Мазкур ҳажмдаги электр энергияси ўртача 5 миллион хонадоннинг 1,5 ойлик ёки 625 мингта хонадоннинг бир йиллик метёрий базисини ташкил қилади.

Ўз муҳбиримиз.

Иссиқлик таъминоти модернизация қилинмоқда

Азиз ДАБИЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги матбуот котиби.

Нукусда иссиқлик таъминотини модернизация қилиш мақсадида 21 МВт электр ҳамда 53 Гкал иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш қобилиятига эга замонавий генераторлар ўрнатилади. Бунинг натижасида 34,8 километр масофага иссиқлик тармоғи тортилиб, 120 та

уйнинг ички иситиш тизими янгиланади. Бундан ташқари, 136 кўп қаватли бино ҳамда 39 та ижтимоий объект мунгазам равишда иссиқлик билан таъминланади.

Президентимизнинг тегишли қарори ижросини таъминлаш мақсадида РК-1 қозонхонасини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилишнинг биринчи босқичи доирасида муҳим ташкилий ва техник масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, қурилиш ишларини бошлашга мўлжалланган худудлар кўздан кечирилиб, техник ҳолати ўрганилди.

Чиқинди энди муаммо эмас, балки энергия манбаи!

▼ Бухоро вилоятининг Когон туманида янги завод қурилиши бошланди.



Бухоро вилоятининг Когон туманида чиқиндиларни ёқиб орқали электр энергияси олишга қаратилган янги завод қурилишига тамал тоши қўйилди. Тадбирда Бухоро вилоят ҳокими Ботир Зарипов, “Wangneng Environment” компанияси бошқарув кенгаши раиси Shan Chao, Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги директори Шарифбек Ҳасанов ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

– Хитой Халқ Республикаси билан муносабатлар аниқ йилларда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилган. – деди вилоят ҳокими. – Ушбу лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам кенг имконият эшикларини очиб беради. Жумладан, вилоятимизда чиқиндиларни бошқаришнинг мутлақо янги, кластер тизими яратилади. Бу эса худуднинг санитар ва экологик ҳолатини тубдан яхшилашга хизмат қилади. Шунингдек, юқори технологияларга асосланган бу мажмуа чиқиндиларни шунчаки йўқ қилмай, балки уларни қайта ишлаш орқали иқтисодиётимиз учун зарур бўлган арзон ва экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқаради.

Биз “Wangneng Environment” компанияси тим-солида ўзининг бой тажрибаси ва инновацион ечимларига эга бўлган ишончли шерикни кўрмоқдамиз. Компания томонидан киритилаётган сармоя ва технологиялар Бухоронинг “инновацион хаб” та айланганида муҳим ўрин тутади.

Қурилажак завод худуд экологик қиёфасини ўзгартирувчи стратегик лойиҳанинг бошланишидир. 165 миллион долларлик сармоя асосида қуриладиган корхона 2028 йилда ишга туширилади ҳамда 30 йил давомида фаолият олиб боради. Бу вақт ичида йилга 547 минг тонна чиқинди йиғилса, ундан 230 миллион киловатт-соат миқдорига электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу технология чиқинди ҳажмини кескин камайтириб, аҳоли учун тоза ҳаво ва барқарор энергия манбани кафолатлайди. Муҳими, завод ишга тушиши билан 150 та янги иш ўрни яратилади.

– Айтиш пайтада Сурхондарё вилоятида ҳам шундай завод қурилишига тамал тоши қўйилди, – деди тадбирда иштирок этган Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги матбуот котиби Дилноза Комилова. – Хитой Халқ Республикасининг “CSET” компанияси иштирокида умумий қиймати 150 миллион АКШ доллари мақдоридаги тўғридан-тўғри хоржий инвестиция ҳисобига Ангор тумани “Баҳор” МФЙ худудига йилга 438 минг тонна қаттиқ маиший чиқиндини қайта ишлаб, натижада 75 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод қурилади. Қувонарлиси, бу каби заводлар аниқ пайтада республиканинг 6 та худуди – Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида қурилиши қизгин давом этмоқда. Қолаверса, келгусида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам худди шундай заводлар қурилиши режалаштирилмоқда.

Иссиқлик таъминоти – мозиждан бугунгача

Қахрамон МОВЛЯНОВ,
"Иссиқлик таъминоти"
АЖ бош мутахассиси.



Инсонлар ҳаёти учун зарур физиологик эhtiёжлардан бири – бу иссиқлик энергиясига бўлган эhtiёждир. Дунё миқёсда анъанавий энергия турлари орасида иссиқлик энергияси устунлик қилади. Дунёда электр энергиясини ишлаб чиқаришда 46 фоиз кўмирдан, 18 фоиз газдан, тахминан, 3 фоиз биомассадан, 0,2 фоиз нефтдан фойдаланилади.

Қадимда

Дунёдаги кўплаб мамлакатларда энергетика муаммоси кучайиб бораётган бир пайтда, уй-жойларда иссиқлик энергиясини самарали ишлатиш энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, бу муаммо қадим замонлардан бери мавжуд бўлган ва уни ҳал қилиш одамларни уй-жой қурилишига эhtiбор қаратишга мажбур қилган. Биноларни қуришни режалаштиришда уларнинг эшиклари, ҳаво айланиш тизими ва шунга ўхшашган баъзи деталларнинг шаклланишига катта эhtiбор қаратилган.

қўйилади. Натижада иситиш тизими нафақат хонанинг ҳавосини, балки сандал атрофидаги ерни ҳам иситади. Шу тариқа, илиқлик узоқ сақланиб, ёқилги тежалишига олиб келган.


Хонада махсус ҳаво ўтказувчи йўлақлар ҳам бўлиб, у хонанинг пастки қисми бўйлаб ўтказилган. Ушбу йўлақларга ўчоқ (қозон)дан иссиқ ҳаво қириб туради, ўчоқ (қозон) эса хонанинг бошланиш қисмида жойлашган бўлади (1-расм).

Урта асрларнинг ривожланган даврида (X–XIII асрлар) бундай иситиш тизими Сўғд, Чоч ва Хоразмда кенг тарқалган (2-расм).

Қадимги Мовароуннахр маданиятининг гуллаш даврида бу марказлашган иситиш тизими, ҳаммомларда ва ёпиқ сузиш ҳавзаларида қўлланилган, кейинчалик шохларнинг қароргоҳларида ҳам ишлатилган (3-расм).

Бу тизим қанчалик қўлай бўлмасин, бир вақтнинг ўзида уйларда "сандал" тизими ҳам қўлланиб келинган. Кейинчалик турли сабаблар туфайли сандал туридаги иситиш тизими барча ҳудудларда кенг қўлланилган. Бунинг асосий сабаби – Марказий Осиё иқлими нисбатан мўътадил бўлган ҳамда иситиш учун ишлатиладиган ёқилги миқдори эса қиммат ёки чекланган.

2-расм. "Сандал" турига мансуб иситиш тизими қолдиқлари



1-расм. "Сандал" турига мансуб иситиш тизими.

Ривожланиш босқичлари

Собик Иттифоқ даврида, 1920–1930 йилларда Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда иссиқлик таъминоти асосан саноат қорхоналари ҳамда маҳаллаларнинг маҳаллий қозонхоналари орқали амалга оширилган. 1940–1960 йилларда эса шаҳарларда марказлаштирилган иссиқлик тизими яратила бошлаган.

Тошкент, Самарқанд, Фарғона каби йирик шаҳарларда қозонхоналар ва иссиқ сув қувурлари қурилган. 1970–1980 йилларда иссиқлик таъминотида қозонхоналар ва марказий иссиқлик станциялари (ТЭС) кўпайтирилган. 2000–2010 йилларда транзит тизимларини модернизация қилиш бошланган. Шаҳар қозонхоналари ва иссиқ сув тизимлари реконструкция қилиниб, энергия тежамкор котёллар ўрнатилди. Газ ва электр энергиясини интеграция қилиш орқали самардорлик оширилди.

Бугун

Бугунги кунда Ўзбекистонда иссиқлик таъминоти тизимини жадал ривожлантириш, унинг самардорлигини оширишга алоҳида эhtiбор қаратишмоқда. Аввало, самарасиз ва зарар билан ишлайдиган қорхоналарни хусусийлаштириш, модернизация қилиш зарурияти туғилмоқда. Шунингдек, мавжуд кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектилари ҳамда бино ва иншоотларнинг ташқи том қисмининг иссиқлик изоляцияси, энергия тежамкор ойна ва эшик ромлар ўрнатиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан (кўёш панеллари ва гелиоколлекторлар) ҳамда энергия тежовчи ускуналардан фойдаланиш кўрсаткичини оширишни тақозо этмоқда.

Жумладан, табиий муҳитга зарар етказмайдиган, қайта тикланадиган манбалардан олиннадиган – яшил энергетика, автоматик бошқарув ва энергия самардорлигини ошириш ва инновацион тизим – ақли гибрид, бир нечта

энергия манбаларини бирлаштириб ишловчи – гибрид модели иситиш тизими, кўёш коллектор тизимлари, уч турдаги энергияни бир вақтда ишлаб чиқариш технологияси – тригенерация, бир вақтда электр энергияси ва иссиқлик энергиясини бир манбада ишлаб чиқариш – когенерация, ернинг табиий ичкарисидаги иссиқлик манбасидан фойдаланиб биноларни иситиш усули – геотермал иситиш ҳамда биноларда иссиқлик йўқотилишини камайтириш, энергия сарфини тежаш ва қўлай ички муҳит яратишга қаратилган тадбирлар мажмуаси – термомодернизация тизимлари жорий этилмоқда.

3-расм. Қадимги Мовароуннахр маданияти давридаги марказлашган иситиш тизими.



Замондошларимиз

Устоз бизни доим қўллаб-қувватлайди

Қурилиш соҳасида етук мутахассис бўлиб етишишимизда нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ўз илми, ҳалол меҳнати, билимдонлиги билан довруқ қозонган академик, техника фанлари доктори, профессор Раҳимбой Раҳимовнинг ўрни беқиёс.

Муродали ОТАБОВЕВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университетининг техника факультети талабаси.



Раҳимбой Раҳимов

ларини синаш ва таъмирлаш лабораторияси мудири сифатида фаолият юритиб, Ўзбекистон Республикасининг 5 та патенти соҳибига бўлган.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Архитектура-қурилиш назорати бошқармаси, Стандартлаштириш ва сертификатлаштириш Республика маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси стандарти 379-95 "Силикат гишт ва тошларга ўзгартириш киритиш" бўйича қиритган таклифлари тасдиқланган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технология маркази янги технологияларни амалиётда қўллаш, мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишининг долзарб масалаларини ҳал этиш бўйича амалий, илмий-техника лойиҳа-

лари танловларида қатнашиб, кўплаб давлат грантлари соҳибига бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъод" жамғармаси гранти совриндори сифатида Малайзиянинг Мара технология, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендианти сифатида Россия Федерациясининг Москва давлат қурилиш, И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ, М. Авазов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетларида мутахассислиги бўйича малака ошириб қайтган.

Шунингдек, устоз раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация-

лар вазирлиги ҳузуридаги Инновация агентлиги молиялаштирган "Хива шаҳридаги 1000 йиллик тарихга эга "Егоч музей" – Жума масжидни сақлаш ва таъмирлашда инновацион ёндашув" қўшма лойиҳаси бўйича Урганч давлат университети Техника факультети талабалари Германиянинг Кведлинбург шаҳрида малака ошириб қайтди. Шаҳар мэри Франк Руч таклифига асосан, "Жаҳон мероси маркази – Кведлинбург"нинг Олтин китобига Урганч давлат университети номидан Р. Раҳимов ўз тилақларини ёзиб қолдирган.

Профессорнинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг грифи асосида олий ўқув юрти қурилиш тизими йўналишларида тахсил олувчи талабалар учун 8 та дарслик ва ўқув қўлланмаси чоп этирилган. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъод" жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабга ва мактаб таълими вазирлигининг "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи" республика танловида "Силикат қурилиш ашёлари" ва "Деворбоп ашёлари ишлаб чиқариш технологияси" ўқув қўлланмаси, "Жихозлар ва лойиҳалаш асослари" дарслиги билан голиб бўлиб, диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Профессор Раҳимовнинг ташаббуси билан Хоразм вилояти тарихида биринчи марта, 2021 йилда Урганч давлат университетида "Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш" мутахассислиги бўйича магистратура курслари, шунингдек, "Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш" соҳасида бизнесни ташкил қилишга ўқитиш учун "ЎзқурилишматериаллиТИ" илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ҳузуридаги "Тадбиркорлар мактаби"нинг қисқа муддатли ўқув курслари филиали очилган.

Мен каби юзлаб шогирдларга тўғри йўл кўрсатиб, билим ва тажрибасини беминнат ўргатиб келётган устозимизга узоқ умр, келгусидаги ишларига муваффақият тилаймиз.



Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожидин Эшқувватов, Қозим Тулганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева
Саҳифаловчи – Акмал Маҳкамов
Мусахҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ мурасислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"ЎзАШҚЛИТИ" МЧЖ,
"ЎзнахарсозликЛИТИ" ДМ,
"Қишлоқ қурилиш инвент" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги муҳбарлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюрогма – Г- 241. 1181 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни – Топширилди – 22.30.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 17-19 февраль саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

"Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi" Лойиҳа қидирув ва қурилиш пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими бош мутахассиси **Юнус Назаров**,
"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ бош мутахассиси **Евгений Тулганов**,
Қорақалпоғистон Республикаси Таҳиятош тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича

бош мутахассис **Дамир Мырзамбетов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Бекмурат Сейтмбетов**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиги ўринбосари – вилоят бош архитектори **Махаммадрўзи Бакиров**,

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош му-

тахассис **Собир Аҳмедов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари **Сухроб Бўронов**, мутахассис **Асқар Ўралов**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лаборатория ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиги **Иброҳим Абдуллаев**,

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги "Пиридастирт коммунал сервис" БСК МЧЖ бош директори **Тўра Ибодов**, Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Mukattam-Saxovat-Kommunal" УЖМШ **Ўқтам Қаҳқоров**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Навоий вилояти филиали электррозгазтайвандловчиси **Зокир Товбаев**, Тошкент вилояти Ангрэн тумани филиали қоровули **Дилафруз Пардаеваларни** таваллуд кунини чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сўхат-саломатлик, узоқ умр, ошлавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!